





Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари кўмитасининг ташаббуси билан Ўзбекистон судьялари Ассоциацияси ва Америка юристлар ассоциацияси кўмагида «Демократик жараёнлар ва суд-хуқуқ ислохотлари» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, суд, прокуратура ва адлия органларининг вакиллари, олимлар ҳамда адвокатлар қатнашди.

Семинар

Демократик жараёнлар ва суд-хуқуқ ислохотлари

қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текшириш тартибини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Семинар қатнашчилари Ўзбекистон судьялари ассоциацияси, Олий суд, Олий ҳужалик суди раҳбарларининг маърузаларини тинглади, шунингдек, АҚШда суд

қарорларини апелляция тартибидан текшириш амалиёти билан танишди. Маърузалардан сўнг фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашди. Ишларни апелляция тартибидан кўриб чиқиш соҳасидаги халқаро тажрибани қўланиш механизмини ишлаб чиқиш, одил судловнинг

самарадорлигини таъминлаш, судловдаги сансалорликни бартараф этиш, судларнинг узил-кесил қарорлари устидан юқори суднинг жавобгарлигини кучайтириш хусусида мушоҳадаларини ҳам билдирди.

Эркин МАВЛОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ПРОКУРАТУРАНИНГ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАРИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг кенгайтирилган хайъати мажлиси бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримовнинг республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган навбатдаги вазифалар ҳамда прокуратура идоралари қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида амалга оширилган тадбирлар ижроси муҳокама қилинди.

Прокуратура идоралари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бирмунча ижобий натижаларга эришилганлиги қайд этилди. Шунингдек, ҳисобот давридаги фаолиятга танқидий баҳо берилиб, янги вазифалар атрофида муҳокама этилди. Қишлоқ жойларида иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш, ширкат, деҳқон ва фермер ҳўжалиklarини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш масаласи муҳимлиги қайд қилинди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлар фаолиятига асосиз аралашушга чек қўйиш чораларини кўриш талаби қўйилди.

Мамлакатда умумий жиноятчилик 0,5 фоизга камайган бўлса-да, оғир жиноятларнинг ошганлиги жиноятчиликка, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда бундай ҳолатларнинг олдини олишга, аҳоли билан жонли мулоқотлар, учрашувлар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларидан кенгрок фойдаланишга, фаолиятга ошқоралик беришга асосий эътибор қаратилиши зарурлиги таъкидланди. Муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.


Тошкент шаҳар кенгаши сессияси

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилиши бошқариш ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижроси билан боғлиқ масала муҳокама этилди.

Сессияни шаҳар ҳокими К.Тўлаганов бошқарди. Таъкидланганидек, ҳуқуқнинг мажмур қарорини бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шаҳарда капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ўтказилишига алоҳида

нинг қурилиши ва жиҳозланишини жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи намунавий лойиҳаларга мувофиқлаштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Шу билан бирга, ҳуқуқат қарорининг бажарилиши жараёнида камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмаётганига, уларни зудлик билан бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

(ЎзА)



Уйимизнинг ёнидан темир йўл ўтган. Вагонлар гилдиракларининг тақир-туқури, тепловозу электровозларнинг шовқинига ўрганиб қолганмиз. Баъзан поездлар қатнови сийраклашиб, атрофга сокинлик чўкканда юкнинг оғирлигига чидай олмай овоз чиқараётган рельсларнинг чийлашини ҳам соғиниб қолар экан киши.

ни бошқа бир томонга тортиб кетади. Навбатдаги поездда эса ман-

Темир йўл тизими

Айни вақтда бекатга келиб тўхтаган 4098 та вагон ўз вақтида юклардан бўшатилган. Шу боис ҳам жамоа ярим йиллик режасини ортиги билан бажарган. Бекатга кириб келишингиз билан, аввало, бу ердаги озодлик, орасталик эътиборингизни тортса, иккинчидан, хавфсизлик раҳбарияти, жамоасига бегона. Давр билан баробар қадам ташлаш уларнинг доимий одатиغا айланган.

шароитда эса бундай маҳсулотларни сотиб олавериш ҳар қандай муассаса учун ҳам қийинчилик туғдириши табиий. Шунинг учун ҳам, излаган имкон топади деганларидек, жамоа вазиятдан чиқиш йўлини топди. Бекат бошлиғи Фарҳод Жалолов ёрдамчи ҳўжалик сифатида тиқш цехи

нинг ўз вақтида якунида етишида Олимжон Маҳамов бошчилигидаги Тошкент темир йўл дирекцияси яқиндан ёрдам бермоқда. Биз хикоя қилаётган бекат асримизнинг 50 йилларида Ангренда кўмир конлари очилиши муносабати билан Агар ўша даврда мазкур бекатдан фақат



саноат хомашёсини олиш ва яқин хорижа элтмоқда.

ли-яроқсизлиги ҳам шу ернинг ўзидан аниқланади. Тез кунларда фаолиятимиз янада жадаллашади, деган ниятдамиз. Зеро, станциямизга яқин жойда Сергели катта улгуржи бозорининг иш бошлаётганлиги мижозларимизнинг кўпайишига олиб келиши табиий.

АЖОЙИБ БЕКАТНИНГ АЖОЙИБ ОДАМЛАРИ

Шундай пайтларда жуфт темир изларга боқаман. Бир томони Мағриб, иккинчи ёни Маширқа қараб чўзилган бу қўш чиқиб бора-бора бирлашиб кетгандай кўринади, гўё, Машхур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг Эдигей ёхуд бошқа қаҳрамонлари кўз олдида кела бошлаганида станцияда юк туцираётган кишиларнинг гала-говуридан хаёл қуши лаҳзалар ичида учиб кетади.

зулига ошиқаётган йўловчилар ўтиб қолади. Қоидалари баён этилган деворий кўргазмага кўзингиз тушади.

Абдулхайр Саркулов. – Улар сирасига тизимни тўлиқ компьютерлаштириш, мавжуд қатновларда электровозларни йўлга қўйиш, олдин қурилган темир йўллардаги ёғоч тўсинларни бетонга алмаштириш, хизмат кўрсатиш савиясини янада юқори поғонага кўтариш каби жараёнлар кирди. Бу борада хорижий ҳамкасблар билан ҳам ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Мана, яқинда Япониядан бир гуруҳ мутахассислар ташриф буюриб, улар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашдик. Уйлайманки, бундай ҳамкорлик робиталари фойдадан холи бўлмайди.

Ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Ва 8 та тикув машинаси сотиб олинди. Цех фаолият кўрсата бошлагандан сўнг қўлқоп ва нимчалар шу ернинг ўзидан тикилиши билан бирга, қўшимча ишчи уринлари ҳам яратилади.

Ташаббус қанот ёзса, муваффақиятлар тезда буй кўрсатар экан. Тиниб-тинчимас бекат раҳбарларининг яна битта цех барпо қилгани фикримизнинг исботидир. Эндиликда бу ерда йўлақлар учун махсус бетон қопламалар тайёрланмоқда.

– Мижозларга хизмат кўрсатишда қулайлик яратиш мақсадида

«Сергели»да ҳар қанақа шовқин бўлгани билан мазза қилиб хордиқ чиқариш мумкин. Бу ернинг гўзал табиати, бекат ёнига-сидан оқиб ўтган сой сувларининг майин шивирлаши шундай имконият яратади. Ходимларнинг дам олиши учун махсус жой ҳам қилинган.

17 миллат вакиллари билан иборат 43 киши меҳнат қиладиган ушбу бекатда жорий йилнинг ўтган 6 ойида жами 1778 вагон юк туширилган. Оғирлик ҳисобида бу 82 минг 380 тонна дегани.

Баъзи жойлардан фарқли ўларок, барча ёзувлар лотин графика асосидаги ўзбек тилида битилган. Шунинг ўзидан ҳам хулоса қилиш мумкинки, лоқайдлик, бепарволик каби иллатлар станция

Бекат хизматчилари махсус қўлқоплар, нимча ва ҳақозо буюмларни кўпроқ ишлатишади. Ҳозирги

Осиё, Америка қитъаларидан турли-туман маҳсулотлар келмоқда. Айни пайтда «Сергели»дан жўнаган вагонлар тизими юртимизнинг сархил мева-ларини, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини,

божхона декларациясини бекатнинг ўзидан тўлдиришни йўлга қўйганмиз, – дейди Абдулхайр Саркулов. – Шунингдек, жўнатилаётган ёки олиб келинаётган маҳсулотнинг истеъмолга яроқ-

Товланиб оқаётган оби ҳаётнинг шарқирок овозини яна тепловозларнинг гуруллаши, вагон гилдиракларининг тақир-туқури босиб кетади. Поезд келаяпти... бирор юк билан ёки йўловчи. Улар Мағрибдан Маширқа ёхуд аксинча томон қатнайверади. Кўпчилиги «Сергели»да тўхтади. Ана шунда юқорида мен сизга таништирган жамоанинг қўли-қўлига тегмай қолади.

Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Равил ШАМСУДДИНОВ олган суратлар.

